

Ўзбекистон Республикаси бюджет
 тизими бюджетларининг газна ижроси
 қондаларига 8-ИЛОВА

2022 й. «06» январдаги Гиждувон туман тиббиёт бирлашмаси ва "HUDUDGAZTA'MINOT" АЖ Гиждувон туман филиали ўртасида 144 998 700 сўм умумий сўммага тузилган № 6 сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 054

Шахсий газна ҳисобварак 100022860062157073101054001

(сўмда)

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури 7073 101 | | | Жами |
|------------------------|--------------------------|-----|-----|--------------------|
| | 42-22-000 | ... | ... | |
| Январь | 69 999 600 | | | 69 999 600 |
| Февраль | 49 999 600 | | | 49 999 600 |
| Март | 24 999 480 | | | 24 999 480 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Жами йил бўйича | 144 998 700 | | | 144 998 700 |

Жами 144 998 700 сўм (бир юз кирк тўрт миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг етти юз) сўм
 сўммага сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган сўммадан ойига 100% жорий ойнинг 25-санасигача ойлик равишда олдиндан
 туланиши лозим.




 (ИМЗО)

М.Рузнев
 Ф.И.О.


 (ИМЗО)

Б.Киёмов
 Ф.И.О.

ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ № 6

« 06 » январ _____ 2022 йил

Ғиждувон шаҳар
(Шартнома тузилган жой)

«Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси»
(Хўжалик юритувчи субъект номи)

бундан бўён «Истеъмолчи» деб юритилади номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари М.Рузиев бир томондан ва Ғарбгазтаъминот Унитар Корхонаси Ғиждувон туман филиали

(газ етказиб берувчи корхонанинг номи)

бундан бўён «Таъминотчи» деб юритилади номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари У.Аминов иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ тармоқлар орқали табиий газ етказиб беришни «Таъминотчи» ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Таъминотчи» табиий газ етказиб беришни фақат «Истеъмолчи»да газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига асосан 2022 йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми 219695 куб.метрни, нархи 660, P=кгс/см² 144 998 700 сўмни ташкил қилади*,

шундан бюджет маблағлари ҳисобидан (бир юз қирк турт миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг етти юз) сўм,

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан _____

сўм.

шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қароридан курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир.

| | | | |
|------------------------------|---------------------|---------------------|-------------------|
| 1 чорак 219695 куб.м. | январ 106060 | феврал 75757 | март 37878 |
| 2 чорак _____ куб.м. | апрел _____ | май _____ | июн _____ |
| 3 чорак _____ куб.м. | июл _____ | август _____ | сентябр _____ |
| 4 чорак _____ куб.м. | октябр _____ | ноябр _____ | декабр _____ |

1.4. «Истеъмолчи» ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми «Таъминотчи» томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил тақсимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида «Таъминотчи» томонидан истеъмол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортиқ «Истеъмолчи»лар учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чиқиб ўртача кунлик ва ўртача соатлик газ ҳажми ҳисоблаб чиқилади.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истеъмолчининг таклифи билан мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортиқча олиш деб ҳисобланмайди. Ой бошланишига 10 кун қолгунча, томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар белгиланган тартибда киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам бўлмаган фойзда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади. (Бюджет ташкилотлари учун камида 15 фойз миқдоридан олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади.)

2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. «Таъминотчи» 1.3. бандда кўрсатилган ҳажмда «Истеъмолчи»га табиий газ етказиб беради ва етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб нормал куб.м.да (ГОСТ 5542-87, 1,1-банди, T=20*С, P=760 мм симоб устуни,)да ҳисобланади.

2.2. «Истеъмолчи» ой мобайнида бир маромда, газ истеъмолчининг ўртача кунлик меъёри чегарасида, ҳамда ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларида кўрсатилган ҳажмда «Таъминотчи» дан табиий газ қабул қилиб олади. Шунингдек, табиий газ етказиб берилганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисида ой охирида тузилган далолатномага имзо қўяди.

2.3. Газ ҳажмлари тўғрисида ҳисобот ойида топширилган ва қабул қилинган ҳужжатлар «Истеъмолчи»нинг газ ҳисоблагичи бўйича аниқланган:

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молня органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.

- «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи» ўртасида газ етказиб бериш ва қабул қилиш ҳақида тузилган техник далолатномаларда аке эттирилган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз газ ҳисоблагичлар бўйича ушбу русумли газ ҳисоблагичлар учун истеъмолчи томонидан юритилган қайд дафтарлари (журналлар) билан тасдиқланган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи электрон блокли ҳисоблагичлар бўйича ҳисобот даври учун чиқарилган архив маълумотлари (распечатка) ларга асосан аниқланади.

«Истеъмолчи» балансида бўлган газ қувурларидаги ва ГТМ даги газнинг йўқолган ҳажми «Истеъмолчи» ҳисобига қарашли бўлади.

2.4. «Истеъмолчи» га берилган газ ҳажми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ равишда ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари, соз ҳолатдаги ҳисоблагичлар ва газ сарфини ўлчовчи мосламалар кўрсаткичлари бўйича ҳисобланади.

«Истеъмолчи» газ ҳисоблагичларнинг соз ҳолатда бўлиши, ҳамда уларни ўз вақтида таъмирланиши ва даврий текширувдан ўтказилиши учун жавоб беради. Газ ҳисоблагичи тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз бўлган истеъмолчилар кундалик газ сарфини ёзувчи дафтар тутишлари ва кундалик фойдаланилган газ сарфи ёзиб борилиши керак.

2.5. Агарда табиий газ Шартномада кўрсатилган миқдордан кам миқдорда етказиб берилса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига биноан Таъминотчига нисбатан Истеъмолчи фойдасига жарима санкциялари қўлланилади.

Қуйидаги ҳолатлардан ташқари:

- авария вазиятларида, табиий офатларда; киши мавсумида газ танқислиги сабабли, жойлардаги ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, истеъмолчиларга газ етказиб бериш вақтинча чегараланганида; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида кўрсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир)

- «Истеъмолчи» томонидан газ истеъмол қилувчи ускуналар ва газ ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бузилганида, фойдаланилган газ ҳақи тўланмаган тақдирда ҳисоб-китоб ишлари, мазкур шартноманинг 2.7., 2.14. – бандларига асосан амалга оширилади

2.6. «Истеъмолчи» ушбу шартноманинг 6.4 ва 6.5. бандида кўрсатилган жарима санкцияларини олган кундан бошлаб 10 кун ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» олдиндан огоҳлантирмай туриб, газ таъминотини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

2.7. Истеъмолчи томонидан тузилган шартномада белгилангандан ортиқ ҳажмда ва газ етказиб берувчи билан олдиндан келишмаедан газ олган тақдирда газ истеъмолчисидан қуйидаги миқдорда:

- истеъмолчи учун шартнома ҳажмларидан ортиқча олинган газ киймати 2 коэффицент билан оширма тулов ундирилади. (Ўзб.Респ. В.М.нинг 132-сон қарори асосан)

2.8. «Истеъмолчи»да захира ёқилгисини ёкиш тизими бўлиши, захирани иситиш мавсуми бошланишидан олдин тўлдириб қўйиши ва кузги-кишки даврда ёки газ танқислигида, авария ҳолатларида қорхонанинг бир маромда ишлаши учун захира ёқилгисини жамлаб қўйиши керак.

«Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат дан юқори қувватли қозонхона қурилмалари газ ёқилгиси етказиб беришдаги узилишларни ҳисобга олган ҳолда, 2 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ёкишга мўлжалланган захира ёқилгиси хўжалигига (СниП –2-35-76) эга бўлиши, «Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат дан кам қувватли, 1-тоифага қирувчи қозонхона қурилмалари авария ёқилгисига эга бўлиши керак.

2.9. «Истеъмолчилар» шартномага мувофиқ равишда белгиланган муддатларда газдан фойдаланишни тўхтатадилар ҳамда икки томонлама далолатнома тузиб, газ таъминотининг қурилмаларининг ўчириладиган қисмларини тамғалаш ёки пайвандлаш йўли билан газ тармоғидан учириш учун «Таъминотчи» ўз вақилини юборади.

2.10. «Истеъмолчи» газ ҳисобини олувчи хўжалик ҳисобидаги газ ўлчаш тармоқлари (узеллари) ва ҳисоблагичларини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ва текширувдан ўтказиш ГОСТ 8.563-97 талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди.

2.11. Газ истеъмол қилувчи жиҳозлар, ГТН (газ тақсимлаш пункти) ва газ ҳисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сақланиши, ҳамда уларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш учун «Истеъмолчи» қорхона раҳбарлари жавобгардирлар.

2.12. «Истеъмолчи»нинг хўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш ускунаси ҳисоблаш хатолиги ГОСТ 8.563-97 нормаларига мувофиқ бўлган газ ҳисоблаш тармоғи ҳисоб-китоб учун яроқли деб ҳисобланади.

2.13. Агарда, «Истеъмолчи»даги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қондаларига мос келмаса, «Истеъмолчи»даги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз булганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд булмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги қуввати ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз булган вақтда шартномада назарда тутилган бошқа усул билан аниқланади (Ўз.Р. ВМ 08.01.2004й. 9-Қарори таҳриридаги банд) яъни, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи қурилмаларнинг энг юқори газ сарфи қувватида, кунига 24 соат иш тартибида ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» даги газ ҳисоблаш мосламаси ГОСТ 8.563 –97 ва Ўзбекистон Республикасининг шу турдаги газ ҳисоблагичлар учун бошқа ГОСТларга мос ҳолга келтирилгунига қадар амал қилади. «Истеъмолчи» бунга норозилик билдирса, камчиликлар бартараф қилинганга қадар «Таъминотчи» уни газ таъминотидан бутунлай ўзиб қўйишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида кўрсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир) .

2.14. «Истеъмолчи» ўз ҳисоблагич хотирасидан мунтазам равишда ҳар ой тузатиш киритувчи (блок коррекция) дан олинган архив маълумотларини ёки кундалик фойдаланилган газ сарфини ўзувчи дафтари билан тасдиқланган ҳисоблагич кўрсаткичларини «Таъминотчи»га ҳисобот ойна тугаши билан тақдим қилиши шарт. *

Электрон газ ўлчагич кўрсаткичлари архив маълумотлари (распечатка) «Истеъмолчи» томонидан даъво муддати мобайнида яъни, 3 йил сақланиши шарт. (Ўз.Р. ФК. 150-модда)

2.15. «Таъминотчи» вакили ҳар ойда «Истеъмолчи» билан биргаликда газ босимига ва ҳароратига «Таъминотчи» сифат лабораторияси томонидан берилган тузатишларни электрон ҳисоблагич кўрсатмалари бўйича киритишлари керак.

2.16. Газ ҳисоблагич ёрдамида газ ҳисоблаш мосламасидан фойдаланганда «Истеъмолчи» қуйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

- газ босими ва газ ҳисоблагичнинг ҳисобга олувчи қисми атрофидаги ҳавонинг ҳарорати ҳисоблагични ишлаб чиқарган корхона- заводнинг ҳисоблагични ишлатиш талабларига мос келиши керак;

- газ ҳисоблагичдаги ишчи босим истеъмолчининг ГТП (газ тақсимлаш пункти)нинг соз ҳолатда эканлиги тўғрисидаги далолатномани «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га тақдим қилинади;

- газ ҳисоблагичдан фойдаланиш жараёнида «Истеъмолчи» унинг ҳисоблаш механизми ва тузатиш киритувчи (блок коррекциясини)ни шикастланишдан эҳтиёт қилиш;

- газ ҳисоблагични ишлатишда ҳисоблагич паспортида қайд қилинган талаблар бажарилиши;

Газ ҳисоблагич қуйидаги талабларга жавоб бериши:

- газ ҳисоблагичнинг кўриш жойларида ҳисоблаш механизмидаги кўрсаткичларни тўсқинликсиз олинishi, ҳамда шикастланган жойлар ва камчиликлар (дефектлар) бўлмаслиги;

- ишлаб чиқарувчи корхона-завод ва «Ўздавстандарт» тамгалари сақланган, бут бўлиши;

- ҳисоблаш тармоғи ва импульс йўлларида газ сезиб чиқиш ҳолатлари бўлмаслиги;

- газ ҳисоблагичда ишлаб чиқарган корхонанинг товар белгиси, газ ҳисоблагич русуми, рақами, унинг аниқлик даражаси ва ишлаб чиқилган йили кўрсатилганлиги;

- газ ҳисоблагич корпусида газ оқимини кўрсатиб турувчи ёй (стрелка) бўлиши;

- газ ҳисоблагич шовқинсиз ишлаши шарт.

Агарда газ ҳисоблагич юқоридаги талаблардан бирига жавоб бермаса, ҳисоблагич фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланади ва аниқланган камчиликлар «Истеъмолчи» томонидан бартараф этилмагунига қадар ҳисоблаш тармоғи яроқсиз деб ҳисобланади ва фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб ишлари мазкур шартноманинг 2.14. асосан амалга оширилади.

2.17. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилига, ҳафтанинг исталган вақтида ойига камида 4 маротабадан кам булмаган лекин, 10 мартадан кўп бўлмаган миқдорда газ ҳисоблаш асбоблари ва газ ишлатувчи ускуналарини ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб кўриши учун шароит яратиб бериши шарт. «Истеъмолчи» ташаббуси билан «Таъминотчи» вакилини тақлиф қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Агарда, «Таъминотчи» вакили газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун «Истеъмолчи» ҳудудига киритилмаса, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб, мазкур шартноманинг 2.13 бандига асосан амалга оширилади, «Таъминотчи» вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб амалга оширилади.

Эслатма:

«Истеъмолчи» нинг газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун киритилмаганлиги тўғрисида «Таъминотчи» вакили томонидан далолатнома расмийлаштирилганлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Агарда, «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилининг ҳудудига киритилмаганлиги тўғрисида ёки газ ҳисоблаш мосламаси, тижорат ҳисоблагич сифатида тан олинмаганлиги тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, «Таъминотчи» далолатномани бир томонлама тартибда тузади. Бунда, газ ҳисоблаш мосламасини текшириш пайтида иштирок этган «Истеъмолчи» вакилининг исми, шарифи ва мансаби ҳамда «истеъмол»чининг манзили кўрсатилади.

Агарда «Истеъмолчи» далолатномага имзо қўйишда бош тортса унда, «Таъминотчи» томонидан уч кишидан кам бўлмаган шахслар иштирокида тузилган далолатнома ҳақиқий деб ҳисобланади.

2.18. Газ ҳисоблаш воситалари ишдан чиқса ёки яроксиз ҳолга келиб қолса, «Истеъмолчи» бу ҳақида «Таъминотчи»ни зудлик билан хабардор қилиши керак. Агарда, айрим газ ускуналари ишламаётган бўлса, уларни тамгалаш учун «Таъминотчи»ни хабардор қилиши керак.

2.19. Газ ускуналарини қайта таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда газ сарфи ҳисоб-китоби ўзгарганида «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га газ асбобларини ўзгартириш учун техник шарт ёки руҳсатнома, «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтегазозорат» инспекциялари томонидан берилган руҳсатномаларни тақдим қилиши шарт. Шундан сўнг шартномага ўзгартиришлар киритилади.

2.20. Газ ҳисоблаш пункти ишдан чиққанида «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилини 1 сутка давомида хабардор қилиб, газ ҳисоблаш прибори кўрсаткичини қайд қилиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилганида, газ қувури тизими орқали газдан фойдаланишга руҳсат этилади. Бундай пайтда «Истеъмолчи» газ ҳисоблаш тармоғини таъмирлаш учун тезкор чора кўриши шарт. «Таъминотчи» томонидан газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилгунга қадар фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади.

2.21. Газ ҳисоблагич, тижорат ҳисоблагични бир маромда ишлаши учун «Истеъмолчи», ёзги ва қишки даврда газ истеъмол қилиш ҳажмига қараб торайтириш ускуналарини алмаштириш ва газ ўлчаш асбобларини ўз вақтида талаб даражасида булишини таъминлаб бориши шарт.

2.22. Газ ҳисоблаш асбоблари сарфланаётган газ миқдорига мос бўлиши керак. Газ ҳисоблаш мосламаларининг техник характеристикасида кўрсатилган чегарадан кам миқдорда газ сарфланса, газ миқдорининг ҳисоби ва газ сарфи, газ ўлчов мосламасини техник характеристикасининг пастки чегараси бўйича олинади бунда, «Истеъмолчи» 15 кун муддат ичида газ ёки газ ускуналарига мос газ ҳисоблагич мосламаларини ўрнатиш мажбуриятини олади.

Газ ҳисоблагич мосламалари, газ сарфини ҳисоблашда тармоқнинг хатолик даражаси 1,5% дан юқори бўлса, газ сарфи ҳисоб – китоби газ ҳисоблаш прибори шкаласининг хатолиги 1,5% дан юқори бўлмаган фойзи бўйича амалга оширилади. Руҳсат этилган максимал чегарадан юқори миқдорда газ сарфланса, газ ҳисоби ўрнатилган ва тамгаланмаган газ ускуналарининг газ сарфи мазкур шартноманинг 2.13. бандига асосан ҳисобланади.

2.23 «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»нинг хужалик ҳисобида бўлган газ ҳисоблагич мосламаларини кўрилганда, газ ҳисоблаш мосламаси бир маромда ишламаётганлиги, такқослов текшируви (хронометраж) ўтказилганда, ташқаридан газ ҳисоблаш мосламаларига таъсир кўрсатилганда ва бошқа ҳолларда, газ ҳисоблаш мосламаларини жойлардаги «Ўздавстандарт» бошқармаларида экспертизадан ўтказишни ва назорат-ўлчов асбобларини навбатдан ташқари текширувдан ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Агарда, газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўлов, газ ҳисоблаш асбоби эгаси томонидан амалга оширилади.

Газ ҳисоблаш асбоблари соз ҳолатда бўлса, экспертизадан ўтказиш учун сарфланган харажатлар, экспертизадан ўтказишни талаб қилган ташкилот томонидан амалга оширилади.

2.24 «Истеъмолчи» томонидан газ тармоқларига узбошимчалик билан уланган ҳолларда ўрнатилган газ ёки газ ускуналарининг сарфланган табиий газ учун ҳисоб-китоб уланган вақтдан бошлаб 10 баравари қийматида ундирилади ва газ тармоғидан (қурилмаларидан) мажбурий тарзда узиб қўйилади. (Уз.Р. ВМ 09.03.1994й. 124-сон Қарори 1.2 б.)

2.25 Қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб, тамгаланмаган барча газ истеъмол қилувчи газ ускуналарининг лойиҳавий юқори қувватидан келиб чиқиб, мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади:

а) газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса ёки газ сарфини торайтирувчи мосламалар билан ўлчашда ГОСТ 8.563-97. қоидалари бузилса;

б) сарф ўлчагичлар, торайтирувчи мосламалар, газ ҳисоблагичларнинг Давлат кўригидан ўтган муддати ва газ ҳисоблаш тармоғига (узелига) берилган гувоҳномалари (сертификатлар) муддати тугаганидан кейин;

в) газ хисоблагичларни Давлат кўригидан ўтказиш учун ечиб олинган кундан бошлаб, қайта ўрнатилган кунгача бўлган муддатларда;

г) «Таъминотчи» вакили томонидан «Истеъмолчи» хужалик хисобида булган газ хисоблаш мосламаларининг байпас йўлларида, импульс йўлларида, торайтирувчи мосламалар камераларида ва сарф ўлчагичларнинг созловчи мурвати (вентили)да газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланганида;

д) «Истеъмолчи» томонидан газ сарфи ўлчайдиган электрон газ хисоблагичлардан олинандиган маълумотлар йўқотилган бўлса;

е) назорат-ўлчов комплексининг тузатиш киритувчи блоки ишламай қолганида, механик равишда ўлчовчи мосламалар мавжуд бўлмаса ёки тўхтаб қолган бўлса;

ж) «Таъминотчи» вакили охириги марта келган пайтдан бошлаб, «Таъминотчи» томонидан газ истеъмол қилувчи агрегатларга, газ хисоблаш приборларига ўрнатилган тамгалар узилганида.

«Истеъмолчи» ўрнатилган тамгаларни ўзбошимча равишда узганлик тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда ҳам, жавобгарлик унинг зиммасида қолади.

2.26. Мазкур шартноманинг 2.3. бандига мувофиқ, сарфланган газни газ хисоблагич бўйича хисоблаганда қуйидагилар инобатга олинади:

а) термометрлар ва манометрларнинг соз ҳолатда эканлиги ва уларнинг давлат текширувидан ўтган амал қилиш муддати;

б) ГТМ (ГРП) созланганлиги, муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимнинг ГТМ (ГРП) созланганлиги тўғрисида тузилган далолатномага мослиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 19-03-22-05 РУз реестрида кўрсатилган беш ой иситиш мавсумида хисобланади.

«Истеъмолчи» табиий газдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг газ хужалигидаги хавфсизлик қоидаларини бузса унда, $R_{изб} = 1 \text{ кг/см}^2$ коэффициентини қўлланади.

2.27. «Таъминотчи» киши мавсумида газ танкис бўлган даврда «Истеъмолчи»га табиий газни узлуксиз етказиб беришни кафолатламайди (жойлардаги Ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, газ таъминоти тармоғидан ўчирилмайдиган рўйхатга киритилган истеъмолчилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида кўрсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.28. Газ таъминоти тармоғи чегарасидан кейин «Истеъмолчи» балансидаги мавжуд газ қувурлари, ундаги қурималар ва газ истеъмол қилувчи жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик «Ўзбекистон Республикаси газ хужалиги хавфсизлик қоидалари»га (Ўзб.Р Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган, «Саноатконтехназорат»нинг 2004 йил 6 февралдаги 10-сон буйруғи билан тасдиқланган) биноан «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади.

Газ қувури бошланандиган жойдаги тақсимловчи зулфин ёки жўмрак, агарда у «Истеъмолчи» корхонаси (объекти) ҳудуди (тўсиғи)нинг ташқарисида жойлашган бўлса, улгуржи истеъмолчилар учун газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб хисобланади. Агарда газ тармоғининг бўлинадиган чегарасида зулфин ёки жўмрак мавжуд бўлмаса, у ҳолда корхона (объект) ҳудудининг тўсиғи (девори) газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб хисобланади.

3. ТАБИЙ ГАЗ НАРҲИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

3.1. Фойдаланилган табиий газ учун хисоб-китоб Ўз.Р. Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган Р.Уз.19-03-22-05-сон реестрига асосан амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарорида кўрсатилган истеъмолчилари яъни «Истеъмолчи» хисоб-китоб ойна бошланишидан камида 5 кун олдин «Таъминотчи» хисоб рақамига тузилган шартномада кўрсатилгандек ойлик газ ҳажми қийматининг камида 30 фоизи учун олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Бюджет ташкилоти хисоб-китоб ойна бошланишидан камида 5 кун олдин тузилган шартномада кўрсатилган истеъмол қилинадиган газ ҳажми қийматининг камида 15 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар хисоб-китоб ойна бошланишидан камида 5 кун олдин берилган буюртмага асосан олдиндан 30 фоиз тўлов ўтказишлари шарт.

Олдиндан тўлов амалга оширмаган тақдирда «Истеъмолчи»га газ бериш тўхтатилади.

3.3. Якуний хисоб-китоб бир ойда берилган ва қабул қилинган газ миқдорига мувофиқ равишда келгуси ойнанинг 10 кунгача амалга оширилади (Бюджет ташкилотлари учун якуний хисоб-китоб келгуси ойнанинг 30 кунгача амалга оширилади).

Узил-кесил хисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» томонидан хисоб-китоб ойда ҳақиқатан етказиб берилган газ ҳажми суммасига хизмат кўрсатувчи банк орқали «Истеъмолчи»га тўлов талабномалари берилади.

Агарда тўлов талабномалари «Истеъмолчи» айби билан талабнома берилган кундан бошлаб 3 банк кун мобайнида бажарилмаса, «Истеъмолчи»га газ етказиб бериш тўхтатилади.

3.4. Табиий газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка асосан белгиланади.

3.5. Агарда «Истеъмолчи»нинг айби билан шартномада кўрсатилган газ ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган бўлса, «Истеъмолчи» томонидан аванс шаклида тўланган пул маблағи истеъмол қилинмаган газ учун қайтарилмайди, балки у келгуси ойнинг ҳисобига киритилади.

«Истеъмолчи»нинг табиий газ учун муддати ўтиб кетган қарздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган қарзни қоплашга йўналтирилади, ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

3.6. «Истеъмолчи» ёки «Таъминотчи» нинг тўлов реқвизитлари ўзгарганида улар бир-бирларига дарҳол хабар беришлари керак.

3.7. Саноат ва коммунал-маиший корхоналар (бюджет ташкилотларидан ташқари) олинган газ миқдори тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 28 кунидан 30-31 кунигача, газ босими ва ҳарорати бўйича тузатиш киритувчи (блок коррекцион)си мавжуд бўлган электрон газ ҳисоблағичга эга корхоналар эса кейинги ойнинг беш кун мобайнида белгиланган тартибда расмийлаштирилган газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида таъминотчига тақдим этади. Ҳисоб – китоб ойнинг 10 кунигача тўлиқ амалга оширилади.

Агар узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда газ билан таъминловчи ташкилот ва ҳудудий газ билан таъминловчи корхоналар газни қабул қилиш – топшириш далолатномалари асосида, хизмат кўрсатувчи банклар орқали, ўтказилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда, ҳисоб китоб ойида амалда етказиб берилган газ қиймати суммасига тўлов талабномалари берилади.

«Таъминотчи» томонидан етказиб берилган табиий газнинг аниқланган миқдорига норози бўлган «Истеъмолчи» 10 кун ичида «Таъминотчига» ўз норозилиги ҳақида мурожаат қилади. 10 кун муддат ўтганидан сўнг, «Истеъмолчи» томонидан қилинган эътирозлар қабул қилинмайди.

4. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «Истеъмолчи» жорий йилнинг 15 июл кунидан кечиктирмай келгуси йилда истеъмол қилинадиган газ учун «Таъминотчи» га ўрнатилган тартибда буюртма бериши шарт. Буюртмада табиий газ истеъмолининг чораклар бўйича миқдори ақс эттирилиши керак. Зарур ҳолатларда буюртмадаги газ ҳажмига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин ва уларни жорий йилнинг 1 сентябр кунигача тақдим қилиш керак.

4.3. Табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.4. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги табиий газни етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10(ўн) кун олдин хабардор қилади.

4.5. «Таъминотчи» Табиий газ қабул қилиш ва бериш тартибининг ўзгарганлиги (магистрал газ қувурлари, газ тармоқлари, газ кириш қисмининг авария чегаралаш тугунларида содир бўлган носозликлар ва бошқа ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар тугрисида «Истеъмолчи»ни диспетчерлик алоқа каналлари орқали хабардор қилишлари шарт.

«Истеъмолчи» газ ҳўжалиги тезкор бошқармасининг телефонлари: 57-22-1-68

«Таъминотчи»нинг маъзили: Ю.Ҳамадоний кўчаси 167 уй тел: 57-25-5-98

4.6. «Таъминотчи» газ бериш қисқартирилганлиги тўғрисидаги хабарни «Истеъмолчи»га газ қисқартирилишига қадар камида 6 соат олдин етказиши керак. Магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Қиш мавсумида, ҳамда магистрал газ қувурлари ишининг технологик тартиби бузилганида «Таъминотчи» газ беришни чегаралайди «Истеъмолчи» кўшимча заҳира-ёқилги турига ўтказиш жадвалларини ишга туширади. (26.05.2005й. 132сон Қарор)

5. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Қуйидаги ҳолатларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га газ беришни тўхтатади:

- «Истеъмолчи» шартномада келишилган ҳажмдан ортиқ газ олса;
- газ тармоқларига ўзбошимча равишда қўшимча газ усқуналари улаб олинган бўлса;
- муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлса;
- газ олиш қондалари қўнол равишда бузилганида;

буюртма берган газ ҳажми учун олдиндан тўлов (аванс) тўланмаган бўлса;

5.2. Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб бериш тармоқларидан узиб қўйиш ва уларни газ тармоғига қайта улаш харажатлари «Истеъмолчи» ҳисобига қопланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон Қарорининг 5-иловасида кўрсатилган корхоналарга ҳақи туланмаганлиги учун табиий газ беришни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Етказиб берилган табиий газ сифати шартномада ёки қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» табиий газни қабул қилиш, ҳамда унинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифати ва миқдори лозим даражада бўлмаган табиий газ қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар табиий газ ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

6.2. Табиий газ етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда Таъминотчи «Истеъмолчи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган табиий газ қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мажбуриятлар форс-мажор ҳолатлари оқибатида бажарилмаган бўлса, «Таъминотчи» жарима (пеня) тўлашдан озод қилинади.

6.3. «Истеъмолчи» газ ҳақини ўз вақтида тўламаса, кейинги ойнинг 11 кунидан бошлаб кечиккан ҳар бир кун учун муддати ўтган тўловнинг 0,4 фоизи ҳисобида жарима (пеня) тўлайди. Бироқ, жарима миқдори муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» газ истеъмол қилувчи қурилмаларни ўзбошимча равишда, «Таъминотчи» билан келишмаган ҳолда газ тармоғига улаб олган бўлса, унга нисбатан ўрнатилган газ асбобларининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлиқ қувватининг 2 барабар ҳисобида фойдаланилган газ учун ҳақни «Таъминотчи»га тўлайди, шунингдек «Истеъмолчи»нинг газ истеъмол қилувчи қурилмалари газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади.

6.5. Агарда, газ ҳисоблаш асбобларининг, шунингдек газ истеъмол қилувчи бошқа агрегатларга ўрнатилган пломбалар ўзбошимча равишда узилганлиги аниқланса, «Истеъмолчи» ўрнатилган газ ускуналарининг 24 соатлик иш тартибидаги қуввати бўйича «Таъминотчи» вақилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб 2 барабар ҳисобланган газ ҳақини «Таъминотчи»га тўлайди.

6.6. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий негизи тўғрисида» ги Қонунига биноан жавоб берадилар.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда газ бериш ва қабул қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

а) табиий офатларда;

б) газ қонларида, газни қайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ қувурларида, газ тармоқларида қутилмаган авариялар содир бўлганида.

8.2. Бундай ҳолатлар содир бўлганида томонлар бир-бирларини ҳар қандай алоқа воситалари ёрдамида хабардор қилишлари керак.

8.3. Агарда, бу ҳолатлар 90 кундан ортиқ давом этса, томонлар келгусида шартномани бажариш, масаласини музокара йўли билан ҳал қиладилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

9.1. Мазкур шартнома 2021 йил «31» декабргача амалда бўлади.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратилмаган маблағлар бўйича

товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

9.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.5. Томонлар ўртасидаги ҳар қандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътирозлари, эътироз тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1 Мазкур шартнома тарафларнинг келушувига кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхалан қолдирилади.

Шартноманинг ҳар иккала нусхаси тенг юридик кучга эга.

11. ҚЎШИМЧАЛАР ВА ИЛОВАЛАР

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Ю.Хамадоний кўчаси 167 уй

Тел./факс 57-25-5-98

х/р 22634000805113960321

Банк номи Тошкент ш Узсаноатқурилишбанки
АТБ РАКАТ филиали

МФО 00435

ОКОНХ 90214

СТИР 306605769

Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Ғиждувон шаҳар М.Улутбек кўчаси 100 уй

Тел./факс 57-22-168

х/в: 100022860062157073101054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201852058

ОКОНХ 91511

Газначилик бўлинмаси номи: Ғиждувон тумани
бўйича Газначилик бўлинмаси

Ягона газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк
ББХКМ

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Раҳбар: У.Аминов
(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

Раҳбар: М.Рузиев
(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

Б.Киёмов



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ 6

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** Tabiiy gaz yetkazib berish va qabul qilish shartnomasi

G'arbgazta'minot Unitary Korxonasi G'ijduvon tuman filiali va G'ijduvon tuman tibbiyot birlashmasi o'rtasidagi 6-sonli Tabiiy gaz yetkazib berish va qabul qilish shartnomasi to'g'risida

3. **Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:**

G'ijduvon tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2021-yil 6-yanvar kuni ishlab chiqildi va dasturga kiritildi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

G'ijduvon tuman
yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsult



E. Baxshulloev
2021-yil 7-yanvar